

Имом Мотуридий ҳақида асар ёзиш бўйича танлов эълон қилинди



17:40 / 12.02.2021 1124

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, буюк мутафаккир аجدодимиз, мотуридийлик таълимоти асосчиси имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти давомчилари саналган олимлар ҳақида бадиий асарлар яратиш бўйича танлов эълон қилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур танловда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан бир қаторда барча ижодкорлар иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳам ушбу танловга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида. Марказ илмий котиби Азиз Тажиевнинг Azon.uz'га маълум қилишича, танловда иштирок этмоқчи бўлган ёзувчиларга Имом Мотуридий ҳаёти ва фаолиятига доир керакли маълумотлар топишда амалий ёрдам берилади.

Таниқли ижодкорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати танловга тақдим этилган асарларни ўқиб, баҳолаб боради. Ҳолиб деб топилган асарлар Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги адабий нашрларда ҳамда «Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида китоб ҳолида чоп этилади. Муаллифларга эса

имтиёзли қалам ҳақи тўланади.

Танловга ижодий ишлар 2021 йилнинг 15 сентябрига қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони. Телефон: (71) 231-83-67.

Электрон манзил: badiiy_adabiyot@mail.ru

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати